

БУГУНГИ ИСЛОҲОТЛАР

иш услубимизни тубдан ўзгартиришни тақозо этмоқда

Гулмирза НОРБОВЕВ,
халқ депутатлари Шўрчи туман Кенгашидаги
ЎзХДП гуруҳи аъзоси:

— Бугун давр ўзгарди, замон ўзгарди. Барча соҳада амалга оширилаётган туб ислохотлар ҳар биримиздан ўз зиммасидаги масъулиятини теран англашни, ўз ишимизни қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Президентимиз Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари иштирокида ўтказган видеоселектор йиғилишидаги маърузасида барча тоифадаги депутатлар, партияларнинг жамият тараққиётида тугган ўрнига ҳолис баҳо берди ҳамда қатор тақлиф, ташаббусларни илгари сурди.

Ҳақиқатан ҳам, сиёсий партияларнинг сайловолди дастурларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда маҳаллий Кенгашлар депутатларининг ўрни сезилмапти. Бу депутатларнинг бугунги ҳаёт талабларини теран

замирида биз, депутатларда ташаббускорлик ва қатъият етишмаслиги ётади, деб ўйлайман.

Шу ўринда депутатлик сўрови масаласига урғу бериш ўринли бўлади. Маҳаллий Кенгашлар депутатларининг сўрови масаласида муаммолар мавжуд. Айтилик, туман Кенгаши депутати сайловчилардан тушган тақлиф ва эътирозлар асосида туман миқёсидаги раҳбарга асосланган далиллар билан сўровнома қилтиради. Унга аксарият ҳолларда умумий мазмундаги жавоб қайтарилди. Одамлар эса ечилмаган муаммолар гирдобига қолаверади. Бу бир томондан муаммога юзани ёнда-

зилмапти. Назаримда, улар фақат юқори ташкилотларга номига ойлик ҳисобот топшириш билан шуғулланмоқда. Барча ташкилотлар ҳам шу тарзда фаолият юритмоқда, деган фикрдан йироқман. Фаол ташкилотлар ҳам бор. Аммо аксарият ташкилотлар номига маъжуд, холос. Шунинг учун куйи бугун фаолиятини изчил тизимга солиш вақти келди. Бунинг учун уларнинг сонини кўпайтиришга эмас, сифатини оширишга кўпроқ эътибор қаратишимиз зарур. Тан олайлик, партияга аъзоларнинг баъзилари унинг дастур ва мақсадлари у ёқда турсин, нега аъзо бўлганини ҳам чуқур англамайди. Аҳолининг сиёсий фаоллигини оширишга масъул ташкилотнинг бу масалага эътиборсиз қарашига асло ҳаққи йўқ.

Вақти-вақти билан худуддаги мактаб ва касб-ҳунар коллежларига бориб тураман. Ёшларнинг муаммолари ва ташвишлари билан қизиқаман. Айримлари «Депутат ким ўзи?», «У қандай вазифани бажаради?» деган саволлар билан мурожаат қилишади. Хурсанд бўламан. Бундай ёшлар кўп орамизда. Афсуски, бифарқлар ҳам талайгина. Бундай шароитда партиянинг аҳоли, айниқса, ёшлар билан мулоқоти, тарғибот ва ташвиқот ишларини кучайтиришимиз керак.

Шу нуқтаи назардан мафкура қанчалик янгилашувчан, замон талабларига мос бўлса, у шунчалик яшовчан, партия эса кучайиб боради. Афсуски, партияимизнинг қуйи ташкилотларида мафкуравий тарғиботнинг етишмаслиги аъзоларимизнинг фаоллигини оширишга тўсик бўлмоқда. Шунинг учун куйи бугунларда мазкур масалада туб бурилиш яшас вақти келди. Бу ишни аввало одамларни партияимиз гоёларига ишонтиришдан бошлашимиз керак.

Тан олайлик, партия аъзоларининг баъзилари унинг дастур ва мақсадларини ҳам яхши билмайди. Аҳолининг сиёсий фаоллигини оширишга масъул ташкилотнинг бу масалага эътиборсиз қарашига асло ҳаққи йўқ.

англаб етмаётганидан даълолат беради. Депутатлар ўз ваколатларидан самарали фойдаланишмайди, доимий комиссиялар ишида етарлича фаоллик кўрсатишмайди. Комиссиялар ишини режалаштиришда юзани ёндашувга йўл қўйилмоқда. Бу камчиликларнинг

шувни келтириб чиқарса, иккинчи томондан депутатнинг обрўсига путур етказди. Сўров сўровлигича, ваколат ваколатлигича қолаверади. Яна бир мулоҳаза. Сиёсий партияларнинг қуйи бўғинларида, айниқса, бошланғич ташкилотларда фаоллик деярли сезилмайди.

Олим РАВШАНОВ,
ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари:

— Давлатимиз раҳбарининг парламент, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан ўтказган учрашуви сиёсий партиялар фаолиятига том маънода янги даврни бошлаб бермоқда. Очиқ ва конструктив мулоқотда парламентдаги партия фракциялари ва сиёсий партиялар фаолияти танқидий таҳлил этилиб, ижро этувчи ҳокимият фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратини ўрнатish устувор вазифалар сифатида белгилаб берилди. Энг асосийси, бу борада ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш бўйича қандай қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш лозимлиги ҳақида аниқ тақлифлар илгари сурилди.

Сиёсий партиялар етакчилари, депутатлар кечаги дунёқараш билан яшаб бўлмаглигини, фидоилик билан ишлаш ҳаёт тақозоси эканини тушуниб етмоқда.

Демократик ислохотларни чуқурлаштиришда, мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг аҳамияти беқийс. Партиялар фаолиятининг кучайиши, ўз навбатида, халқимиз, сайловчиларнинг сиёсий онги ҳамда фаоллиги юксалишига муҳим ўрин тутди.

Ҳаётдаги долзарб муаммолар ва уларнинг ечимини бўйича аниқ тақлифларни давлат ҳокимияти ижроия органлари эътиборига ҳавола этишимиз, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид дастурлар лойиҳаси юзасидан партия гуруҳларининг фикр ҳамда тақлифларини эса мунтазам тарзда доимий комиссиялар ва сессиялар муҳокамасига киритиб боришимиз керак. Танқидий таҳлил, интизом ва жавобгарлик масъулияти ҳар бир партия ходимининг ҳамда депутатнинг кундалик қоидасига айланиши лозим.

«Маълумки, партияимиз ижтимоий ҳимоя ҳамда ижтимоий қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд аҳоли манфаатларини ҳимоя қилишни асосий устувор вазифа қилиб белгиланган. Шундан келиб чиқиб, пенсияонерлар, ногиронлар, кўп болали оилалардаги аёллар ва ёшлар, эҳтиёжманд оилалар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида вилоятда ҳамкор ташкилотлар билан доимий ш ташкил этишимиз зарур. Хусусан, «Нуроний» жамғармаси ва Ногиронлар жамияти вилоят бўлимлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан ҳамкор-

Вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир йиллик дастурлар, келгуси йилга мўлжалланган маҳаллий бюджет лойиҳаси ва худуд учун муҳим бўлган бошқа дастурларни қабул қилишда принципиал позициямизни намойён этамиз.

лиқни бугунги талаблар доирасида қайта кўриб чиқамиз.

Вилоят бандлик ва меҳнат муносабатлари, архитектура ва қурилиш, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармалари ҳамда вилоят ҳокимининг ушбу соҳаларга масъул ўринбосарлари фаолияти устидан таъсирчан назоратни йўлга қўйиб, долзарб масалаларни партия гуруҳлари, доимий комиссияларда кўриб, сессияларга тақлиф киритиб борамиз. Шу билан бирга, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир йиллик дастурлар, келгуси йилга мўлжалланган маҳаллий бюджет лойиҳаси ва худуд учун муҳим бўлган бошқа дастурларни қабул қилишда принципиал позициямизни намойён этамиз.

Президентимиз маърузасида тақлиф этилган қўшимча имтиёзлар, ҳуқуқ ва ваколатлар партия ходимлари, депутатлар масъулияти ҳамда фаоллигини оширишга қатта туртки бўлади. Ўз ўрнида ислохотлар самарасини янада оширишга хизмат қилади.

Ҳар бир партия етакчиси ва депутат ўз вазифасига бўлган муносабатини бугунги кун талабига мос равишда тубдан ўзгартириши, одамлар ишончига сазовор бўлиш учун бор билим ва тажрибасини ишга солиши шарт.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА
ёзди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕПУТАТЛАР БИР ҚАТОР ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

«Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи бошқа қонун лойиҳаси ҳам амалий хусусиятдаги камчиликлар ҳамда нуқсонларни бартараф этишга қаратилган. Муҳокамалар жараёнида таъкидландики, фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида сифат жиҳатидан янги даражага кўтарилди. Фуқаролар мурожаатларига жиддий эътибор қаратиш бундан буён ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти сиёсатининг асосий хусусияти ва устуворликларидан бири бўлиб қолади.

Шунингдек, мажлисда қонун лойиҳаларини иккинчи ўқишга тайёрлаш доирасида уларнинг жамоатчилик муҳокамаларини жойларда тегишли халқ депутатлари Кенгашларининг, худудий партия ташкилотларининг, ёшлар, аёллар, кекса авлод вакиллари, турли соҳалар экспертлари ва мутахассислари иштирокида ташкил этиш юзасидан тақлиф билдирилди.

Шуниси ҳам борки, бундай амалиёт парламент қуйи палатасида бир неча бор синовдан ўтказилган. Хусусан, бу гал ҳам Қонунчилик палатасининг қонун лойиҳаларини муҳокама этиш бўйича мажлиси Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг вакиллари, Қонунчилик палатаси қўмиталари муҳокамалари фаолият кўрсатган эксперт гуруҳларининг аъзолари иштирокида бўлиб ўтди.

Амалдаги бир қатор қонун ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг муҳимлигини инобатга олган ҳолда уларнинг моҳияти, мазмунини ҳамда аҳамиятини аҳоли ўртасида тушунириш зарурлиги таъкидланди. Депутатлар мамлакатимиз раҳбари билан учрашувдан сўнг ўзлари учун хулосалар чиқариб олдилар, билдирилган фикр ва мулоҳазаларининг тўричилигига ишонч ҳосил қилдилар. Шу муносабат билан давлатимиз раҳбарининг барча тақлифлари депутатлар корпусининг кундалик фаолиятига фаол жорий этилмоқда ва уни такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Мажлисида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ваколатларига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Мажлисида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ваколатларига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Муслмонбек ИБРОҲИМОВ,
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вакили:

— Давлатимиз раҳбарининг ёшларга бўлган оқсак эътибори туфайли бугунги кунда депутатлар корпуси билан, шу жумладан, қонун ижодкорлиги жараёнида яқин алоқалир ўрнатилган. Бугунги кунда ёшлар у ёки бу қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикрлари, тақлифлари ва тавсияларини билдириш имкониятига эгадилар. Мазкур амалиёт, ўз навбатида, ёшларнинг

Мирзатилла ТИЛЛАБОВЕВ,
Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш маркази директори ўринбосари:

— Бугунги мажлисда биз депутатлар корпуси қонун ижодкорлиги жараёнига, шу жумладан, қонун лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамасига бўлган ўз муносабатини принцип жиҳатидан ўзгартиришни кўриб, ишонч ҳосил қилдик. Давлатимиз раҳбарининг парламент, сиёсий партиялар вакиллари билан учрашуви уларнинг фаолиятини та-

комиллаштиришда, сайловчилар билан икки томонлама алоқани мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнади. Ишончимиз комилки, қонун лойиҳаларининг жойлардаги жамоатчилик муҳокамалари ҳам қонун лойиҳаларини пухта ишлаб чиқишда, турли табақалар ва гуруҳларнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олишда катта аҳамиятга эга бўлади.

«Давоми. Бошланғич 1-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати

Одам савдоси — давр муаммоси

ҲАМКОРЛИКНИ КУЧАЙТИРИШ ЗАРУР

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши қатор мутасадди ташкилотлар билан биргаликда одам савдосига қарши курашишда фуқаролик жамияти институтлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ҳамкорлигини кучайтиришга бағишланган тадбир ўтказди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ИИБ, Бандлик ва меҳнат муносабатлари ҳамда Адлия вазирлиги ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда одам савдоси дунё халқларини ташвишга солаётган жиддий муаммолардан бири экани, бу жиноятнинг олдини олиш, унга қарши курашиш масалалари муҳокама қилинди. Зеро, у худуд ва чегара танламайди. Шу боис ушбу жиноятга қарши самарали кураш олиб боришда ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

— Одам савдосига қарши курашиш бўйича мамлакатимизда норматив-ҳуқуқий база шакллантирилган. Шунингдек, Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича 70 дан ортиқ халқаро ҳужжатга қўшилган ва БМТ томонидан мазкур



соҳада қабул қилинган 6 та асосий халқаро шартнома иштирокчисига айланган, — деди **ЎзХДП Марказий Кенгаши ходими Аббор Қурбонов**. — Йигит-қизларни бу иллат таъсирга тушиб қолишдан асрашимиз зарур. Чунки ёшлар содда, тез ишонувчан бўлади. Ота-оналар эса фарзандини нотўғри йўлга кириб қолишдан сақлаши, унинг қизиқишлари ва уй-хавфларини яхши билиши керак. Партияимиз тарғибот ва ҳамкорлик ишларини кучайтиришда шу масалага алоҳида эътибор қаратмоқда.

— Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва қонунларни тарғиб қилишда китобнинг, илм-маърифатнинг ўрни беқийс, — деди **«Истикболли авлод» ижтимоий ахборот маркази ходими Шоҳида Қосимова**. — Жамоатчилик фикрини шакллантиришда, одам савдосига қарши иммунитетни кучайтириш ҳамда жамиятнинг барча қатламларига етиб боришда оммавий ахборот воситалари имкониятидан кенг ва самарали фойдалани-

Сиёсий партияларнинг сайловолди дастурларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда маҳаллий Кенгашлар депутатлари фаолиятини кучайтириш талаб этилмоқда.

Президент ташрифидан сўнг

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йил 20-21 январь кунлари Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи давомида Хўжайли туманидаги Мурувват аёллар интернатиди ҳам бўлиб, муассаса фаолияти билан танишган, бу ердаги шарт-шароитларни янада яхшилаш бўйича кўрсатма ва тавсиялар берган эди.

МУРУВВАТ УЙИ УЧУН ЯНГИ БИНО



— Фойдаланаётган ҳозирги бино умумий тоифадаги ногиронларга мўлжалланган бўлиб, 1989 йилда қурилган ва бугунги кунда таъмирталаб бўлиб қолган эди, — дейди Мурувват аёллар интернати директори Лидия Ким. — Бу ерда асосан психоневрология хасталигига чалинган беморлар даволанади. Уларнинг аксарияти ногиронлар аравачасида ҳаракатланади. Бино йўлакларининг жуда торлиги ногиронлар аравачаси юриши учун ноқулайликлар туғдирар эди.

Давлатимиз раҳбари кўрсатмалари асосида Мурувват уйи учун Нукус шаҳри ҳудудида алоҳида ер участкаси ажратилиб, февраль ойида қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Икки қаватли замонавий иморат қурилиши олиб бораётган бош пудратчи «Инвестстрой Нукус» масъулияти чекланган жамияти томонидан ҳозирга қадар 14 миллиард сўмлик бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Объектни ноябрь ойида фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда.

Қурилиш ашёлари асосан маҳаллий қорхоналар — Хўжайли, Халқобод, Нукус гишт заводаларидан, темир бетон буюмлари «Евро бетон» ҳамда «Строй вектор» масъулияти чекланган жамиятлари, шунингдек, Ўзбекистон металлургия комбинатидан келтирилмоқда. Жадал суръатларда олиб борилаётган қурилиш ишларида 160 дан зиёд ишчи ва 20 га яқин техника иштирок этмоқда. 250 ўринга мўлжалланган замонавий бинода ётоқхона, даволаш бўлими, ошхона, спорт майдончаси бўлиб, даволанувчилар учун барча қулайликлар яратилаётган.

А.ОРТИКБОЕВ, Ўза мухбири.

ТОМОРҚА ТУФАЙЛИ МИЛЛИОНЕР БЎЛДИК,

— дейишмоқда андижонлик миришкорлар. Энг муҳими, улар юртимиз тупроғидан зар ҳам ундириш мумкинлигини исботлашмоқда.

Андижонлик соҳибкорлар кейинги йилларда томорқалардан самарали фойдаланиб, мўл-кўл мева, узум, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштирмоқда. Иссиқхоналарда помидор, бодринг, булғор қалампир, саримсоқпиез, цитрус меваларидан баракали ҳосил олинмоқда.

Вилоятда аҳоли томорқалари 27 минг 425 гектарни ташкил этади. Ушбу ерлардан янада унумли фойдаланиш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғинлари қoшида агрофирмалар тузилиб, томорқа эгаларига банк кредитлари ажратиш тизими ташкил қилинмоқда.

— Ерлардан бир йилда уч марта ҳосил олиш оson эмас, — дейди Андижон вилоят кишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг мева-сабзавотчилик бўлими бошлиғи Абдумутал Сулаймонов. — Бу омиқкорлик билан иш тутишни тақозо этади. Айниқса, экиладиган экинлар кетма-кетлигига риоя қилиш муҳим аҳамиятга эга. Масалан, саримсоқпиез август ойининг иккинчи ўн кунлигида экиلسа, келаси йил май ойида йиғиштирилади. Ўрни эртачи бодринг, пиез, помидор, қарам билан банд қилинади. Ушбу экинлар август-сентябрь ойларида йиғиштирилган, ўрнига редиска, турли резаворлар уруғи сепадилади. Полиэтилен экинга тайёрланган пушталар орасига, кенглигига қараб, 3-4 қатор эртачи картошка экса бўлади. Полиэтилен палак отиб улгурғунча, картошка етилади ва кавлаб олинади.



Ўстанижон ШОНЕВ оlingан сурат.

— Ўзига хос хусусиятга эга «Тундра» номли қарамни экиб, синовдан ўтказдик, — дейди Сабзавот, полиз экинлари ва қартошқачилик илмий-тадқиқот институтининг Андижон илмий-тажриба станцияси директори Шермухаммад Аминов. — Ҳаво совуқлиги 17 даражага тушганда ҳам ривождан тўхтамайди. Кўчати экилган ерга плёнка ёпишга зарурат йўқ. Далада ҳам, томорқада ҳам бемалол ўсади, бунинг устига серухосил. Хулосаларга кўра, ушбу қарам кўчатини экиш муддат. Очиқ майдонда парваришланган «Тундра» экилганда, бошқа наварига нисбатан харажатлар (иссиқхона қуриш, кўчат етиштириш, плёнка билан ёпиш) қарийб 70 фоиз иқтисод қилинади. Бу қарамнинг бозори чакрон, экспортбop, даромадли. Ердан андигина қор кетган пайтда йиғиштирилган қарам ўрнига бошқа экинлар экилади. Томорқа эгалари буюртмасига бинoан бундай қарам кўчатларини тайёрлаб, парвариш чоғида тегишли

маслаҳатлар билан қўмақлашяпмиз. Томорқа хўжалигининг ривожига кўрсатилаётган моддий мадданинг ҳам ўрни катта бўлмоқда. Тижорат банклари бўлимлари томонидан Бўз туманидаги маҳалла фуқаролар йиғинларида ташкил этилган агрофирмаларга ажратилган 1,2 миллиард сўмлик кредит маблағи миришкорлар учун кенг имкониятлар эшигини очди. Жорий йилда 32 та хонадонда иссиқхона қурилди. 350 туп лимон, 4630 туп унаби (чи-лонжийда) ва грек ёнгоғи кўчати ўтказилди. 494,6 гектар майдонда эса турли хил сабзавотлар ҳамда картошка етиштириляпти.

Асака туманидаги Бозорбоши, Фидокор маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида ҳам томорқадан мўл ҳосил олиб, яхшигина даромад то-лаётган оилалар жуда кўп. — Бозорбоши маҳалласида 32 хонадонда иссиқхона қурилди, — дейди «Шодлиқаргокспорт» агрофирмаси бошлиғи Ойбек Абдусаломов. — Ҳозир ўнлаб хонадонлар

иссиқхоналарда лимон ўстиришяпти, бир қисми помидор ва бодринг етиштириш билан машғул. Фидокорликлар томорқадан фойдаланишда бозорбошиликлардан қолишмайди. — Миллий банкнинг туман бўлими ёрдам беришни эшитиб, жуда қувондик, — дейди фидокорлик Баҳодир Қўчқоров. — «Тоғмаҳал» агрофирмаси орқали ажратилган кредит маблағи ҳисобига иссиқхонани ишга туширдик. Бодринг экиб, биринчи даромадини ҳам олдик.

Олтнкўл туманидаги Қипчоқ маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Қимматхон Турсуновнинг оила аъзолари ҳам шахсий хўжаликларга берилаётган эътибордан мамнун.

— Бу йил қарам йили бўлди, — дейди Қимматхон опа. — Мавсумда бир миллион сўмлик қарам сотдик. Помидор билан саримсоқпиезнинг пули қўшилса, даромадимиз салмоғи янада ортади. Томорқа туфайли миллионерга айландик, десак ҳам бўлади.

Пахтаобод туманидаги Соҳил маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилаётган Овозад Йўлдошев умр йўлдоши Анзиратхон опа, фарзандлари Шоядбек, Ёдгорбек билан биргаликда хандон писта кўчатлари етиштиришга қўл уришган.

Зайнобиддин Собиров Марҳамат туманининг Қовунчи қишлоғида яшайди. 6 соҳиб иссиқхонадан ҳар йили мўл ҳосил олиб, қармоқчиликларнинг таҳсинига сазовор бўлмоқда.

— Аҳолига 700 килограмм лимон сотдик, — дейди у. — Умумий ҳосилимиз бир ярим тоннага боради. Утган йили даромадимиз 4 миллион сўмдан ошганди. Бу йил ҳосил янада мўл. Лимон қатрига апельсин билан мандарин ҳам қўшилди.

Мўжаз боғ соҳиби цитрус мевалар кўчатларини кўпайтиришнинг ҳам уздакорликлар томорқадан фойдаланишда бозорбошиликлардан қолишмайди. — Миллий банкнинг туман бўлими ёрдам беришни эшитиб, жуда қувондик, — дейди фидокорлик Баҳодир Қўчқоров. — «Тоғмаҳал» агрофирмаси орқали ажратилган кредит маблағи ҳисобига иссиқхонани ишга туширдик. Бодринг экиб, биринчи даромадини ҳам олдик.

Олтнкўл туманидаги Қипчоқ маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Қимматхон Турсуновнинг оила аъзолари ҳам шахсий хўжаликларга берилаётган эътибордан мамнун.

— Бу йил қарам йили бўлди, — дейди Қимматхон опа. — Мавсумда бир миллион сўмлик қарам сотдик. Помидор билан саримсоқпиезнинг пули қўшилса, даромадимиз салмоғи янада ортади. Томорқа туфайли миллионерга айландик, десак ҳам бўлади.



ПРЕЗИДЕНТ расман ўз лавозимига киришди



Ҳиндистоннинг яқинда сайланган президенти Рам Натх Ковинд расман ўз лавозимини бажаришга киришди. Инаугурация маросими парламент биносида бўлиб ўтди.

Тантанали равишда қабул қилинган қасамддан сўнг Ковинд юқори ва қуйи палата аъзолари ҳамда чет эл дипломатик миссиялари вакиллари олдида нутқ сўзлади.

Таъкидланишича, ушбу маросимда мамлакатнинг собиқ президенти ҳам иштирок этган.

Ҳиндистонда президентлик сайловлари 17 июлда бўлиб ўтган эди. Ҳисоб-китоблар натижаларига кўра, Рам Натх Ковинд учун сайловчиларнинг 65,6 фоизи овоз берган.

БЕНЗИН ВА ДИЗЕЛДА ЮРУВЧИ АВТОМОБИЛЛАР

сотуви тақиқланади



Буюк Британия ҳукумати 2040 йилдан бензин ва дизель двигателли янги автомобиллар сотуви тақиқламоқчи. Бу ҳукуматнинг ҳаво ифлосланишига қарши курашиш режасида кўзда тутилган.

Ҳаво сифатини яхшилаш бўйича дастурга умумий ҳисобда 3 миллиард фунт стерлинг сарфлаш мўлжалланмоқда. Режада нефть маҳсулотларида ишловчи машиналар сотишни тақиқлашдан ташқари, жамоат транспортини алмаштириш ва светофорларни қайта дастурлаш кўзда тутилган.

Британия ҳукумати маъмур тадбирни Францияда 2040 йилдан бошлаб бензин ва дизелда ишловчи машиналар сотиш тақиқлашни ҳақидаги қарор қабул қилинган сўнг эълон қилди.

Таҳлилчиларнинг фикрича, 2038 йилга келиб, электромобиллар савдоси оддий автомобилларникига нисбатан ошиб кетади.

ЕВРОПА АҲОЛИСИ тез қариётгани айтилмоқда

2050 йилга бориб, Европанинг шимолӣ ва марказий ҳудудлари демографик вазият нуқтаи назардан барқарор бўлади, қитъанинг жануби ва шарқида эса, аксинча, аҳолининг кескин рўй беради. Бу ҳақда Берлиннинг ривожланиш ва нуфуз институти томонидан эълон қилинган янги тадқиқотда маълум қилинди.

— Қарши, шубҳасиз, демографик ривожланишнинг энг сезиларлиқ иқтисодий оқибати саналади. Бу ҳодисага қарши курашиш ва мекан таъбирини янги кадрлар билан бойитишнинг икки йўли бор: туғилишни кўпайтириш ва меҳнат муҳожирларини жалб қилиш. Бироқ бу йўналишда ривожланиш қитъанинг турли қисмларида турлича кечаётганининг гувоҳи бўлаёلمиз, — деди Европанинг 290 ҳудудда тадқиқот ўтказган доктор Вернер Клингхоф. — Туғилиш билан миграция даражаси бир бирига чамбарчас боғлиқ, одатда мамлакатдан ёшларнинг чиқиби кетиши демографик инқироз ортишига сабаб бўлади.

Интернет материалари асосида тайёрланди.

Тахририятга ариза келди...

НИЗО ВА АДОВАТ

вақтида бартараф этилмаса, оғир оқибатларга олиб келади

Тахририятга, тўғриси, ҳар хил аризалар келади: асосли, асоссиз, катта-кичик муаммоли, ўта ташвишли...

Бироқ икки қўшни ўртасидаги ўзаро низодан иборат бу ариза аввалгилар алоҳида шугулланишга, ёзишга ҳам арзимайдигандек туюлди. Аммо чуқурроқ ўйлаб қаралса, бу низо эртага янада кескинлашиб, оғир оқибатларга олиб келиши, икки оила фарзандлари руҳиятига ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Демак, томошабин бўлиб туришга ҳаққимиз йўқ...

Сирдарё вилояти, Сардоба туманидаги Янгикишлоқда 6600 нафар аҳоли, 912 хонадон бор. Амирқул Бобоҷонов ва унинг қўшниси Олмос Избўтаев «Тонг» кўчасида истиқомат қилишади. Улар ўртасидаги майда-чуйда гаплардан бошланган баҳс бугун низога айланди.

— Ҳовлимиз ҳам, томорқамиз ҳам ёнма-ён жойлашган, — дейди Амирқул Бобоҷонов. — Қўшним Олмос томорқамиз ҳудудини аниқ белгилаб олишга розилик бермаётгани сабабли менга туман ҳокими қарори билан ажратиб берилган ер участкасига кадастр ҳужжатини қилолмай келяпман. Қўшнининг моллари томорқамга кириб, экинларимни пайҳон қилди, гапирсам, ҳақорат қилади, ҳовлимизга тош отишади, фарзандларимга ҳам

қўпол сўзларни айтишади. Ўртага девор кўтарай, десам қўшним қаршилиқ қияпти. Ўртадаги дорини бир метр ўзим томонга суришга ҳам тайёрман. Лекин у бунга ҳам қўнмаяпти. Нуқул «сени бу ердан кўчиртириб юбораман», дея таъдид қўлади. Қандай йўл тутишга ҳайронман...

«Ён қўшним — жон қўшним», «Ҳовли олма, қўшни ол», «Ўзоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшни афзал» сингари йиллар синовидан, ҳаёт имтиҳонларидан ўтиб келаётган мақоллар замирида катта ҳикмат бор. Қўшничиликнинг қадрига етилмаган жойда барака бўлмайди, дейди донолар.

У турмуш ўртоғи билан бирга муаммога ечим, жанжалга хотима топиш мақсадида қишлоқ фуқаролик йиғини раиси, профилактика инспектори, туман ҳокими, ҳоким ўринбосари — хотин-қизлар қўмитаси раиси, ички ишлар бўлими, давлат кадастр хизмати сингари идораларга мурожаат қилишган. Аммо муаммо ҳал этилмади келиняпти.

Наҳотки, шунча идоралар икки қўшнини муросага келтиролма-са?.. Туман ҳокимининг Амирқул Бобоҷоновнинг қуриб

битказилган уй-жойини фойдаланишга қабул қилиш бўйича ҳамда 25000 квадрат-метр ер майдонига нисбатан доимий фойдаланиш ҳуқуқи берилгани тўғрисида 2015 йил 7 сентябрдаги қарори ижроси нега таъминланмапти? Нима учун белгиланган тартибда кадастр ҳужжати қилиб берилмапти?

Икки қўшни, икки оила икки йилдан буён бир-бирининг асабини бузиб, фарзандлари ҳам ёвллашиб юрса, ҳеч ким уларни тартибга қайтмас, тегишли идоралар бу ҳолатга лойқад қараса... — Воқеадан хабарим бор, — дейди Янгикишлоқ фуқаролар йиғини раиси Умар Бобоёров. — Уларни яраштириб қўйишга ҳаракат қилдик. Профлактика инспектори, туман кадастр хизмати, туман ҳокимлигидан вакиллар келишди. Лекин бирини кўндирсак, иккинчиси қўнмайди.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Бўз туманидаги маҳалла фуқаролар йиғинларида ташкил этилган агрофирмаларга ажратилган 1,2 миллиард сўмлик кредит маблағи миришкорлар учун кенг имкониятлар эшигини очди.

Ўтган асрнинг 90-йилларида Тўртқўл туманидаги «Наврў» хўжалигида яшардик. Эндигина эсимни таниган ёш боламан. Онам ҳар ойда бир марта 70-80 километр олисдаги бозорга борар, мен ҳам унга эргашардим.

БОЛАЛИК АРМОНЛАРИ

Туман марказига автобус ҳафтада уч кун, эрталаб соат 7:00 да қатнади. Улгурган-улгурарди, улгурмаган қолиб кетарди. Эр-тага бозорга боришимни, музқаймоқ ейишимни ўйлаб, кўзимга уйку келмади. Тонг оқармасидан кийиниб олдим.

Автобус тушга яқин манзилга етиб борди.

— Икки соат вақт, кечикмай келинлар, — ҳайдовчи автобусдан шоша-пиша туша бошлаган йўловчиларга ҳар доимги эслатмасини такрорларди.

Онам қўлимдан ушлади ва биз кўп қатори шовқин-суронли бозорга «шўнғиб» кетдик. Чунки қозоғга ёзилган нарсаларни олиб улгуришимиз керак. Қолаверса, ҳали музқаймоқ бор...

Бозорлик қилиб бўлгач, онам билан ҳар гагилдек музқаймоқ учун навбатга турдик. Олдимизда кўпчилик, музқаймоқ тугаб қолмасмикан, деган хавотирдам. Навбатимиз келганда музқаймоқ тугаб қолди. Мен йиғлаб, бозорни бошимга кўтардим...

ТУФИЛГАН КҮН ДАСТУРХОНИ

Тақдир тақозоси билан Навоий вилоятининг Кармана туманидаги «Ўзумзор» қўрғонига кўчиб келдик. Мен шу ердаги мактабга қатнаш бошладим. Онам — ўқитувчи. Яшириб нима қилдим, ижарада турардик. Уй қуриш ёки сотиб олиш тугул, тўйиброқ оватланишга қурбимиз етмасди.

Туфилган куним бўлгани учун янги йилни интиқлик билан кутаман. Лекин ўша йили уйда ҳеч қандай ҳаракат бўлмади.

— Она, эртага байрам, бозорга бориб келмайсизми? Туфилган кунимга синфдошларим келиши мумкин. Уйда ҳеч нарса йўқ...

Онам чорасиз қолган одамдай лабини тишлади. Кейин кўшимиздан қарз олиб, бозор қилиб келди. Дастурхон — қандқурс, шўрданак, битта рангли сувдан иборат. Овқат ҳам пишди. Аммо дастурхонга қўлим бормас, томоғимдан ҳеч вақо ўтмасди...

Бугун байрамларда тўкин дастурхонга қараб, ўша кунларни эсламан.

Ҳар йили меҳнат таътили пайтида ота юртим — Тўртқўлга бораман. Бугун туман марказига сариқ автобус эмас, юртимизда ишлаб чиқарилган турли русумдаги жамоат транспортлари физиллаб қатнаб турибди. Ҳар қадамда музқаймоқ...

28 ёшимда ўз уйимга эга бўлдим. Ота-онам унинг шинам хоналарига боқиб, ҳайратда қолгани кечагидек эсимда. Уйсиз-жойсиз саргардон бўлиб юрган кезларимиз ўтмишдаги тушдай бўлиб қолди. Укам ҳовлиқиб келиб, тадбиркорлик фаолияти учун тузган бизнес-режаси асосида банкдан кредит ажратилганини айтди...

Ота-онам хурсанд. Ҳаммани уй тўйига таклиф қилдим. Юртимизда тўйлар кўпайсин...

Руслан САБУРОВ, журналист.

ПРЕЗИДЕНТ ТОПШИРИҒИ АСОСИДА

Фарғона вилоятида уй-жойга муҳтож, жисмоний имконияти чекланган хотин-қизлар янгиланган намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган уй-жойларга эга бўлишди.

Фарғона туманининг Ўрта қишлоғида яшовчи Салимаҳон Матқасирова ҳаётнинг кўп синовларидан ўтган. У оиладаги етти фарзанднинг бири. Афсуски, ота-онаси ва бошқа яқинларидан бевақт ажраб, ёлғиз акаси билан қолди. Болаликдан кўзи оғриди, 8-синфдалигида батамом кўрмай қолди. Начора, бу синовларга ҳам бардош бериш керак эди. Орадан йиллар ўтиб, турмуш қурди, фарзанди дунёга келди. Фалакнинг гардишини қарангки, кўп ўтмай Салимаҳон кўлида норасида ўғли билан бева қолди.

— Энди қаёққа бораман, деган хаёл бутун вужудимни тирнаб ташлаган эди, ўшанда, — дейди у. — Эримдан кейин унинг ота-онасига «кўзи оғиз» ва боқиманда келин керак бўлмай қолди. Ота ҳовлимизда акам Абдуқаҳҳорнинг тўрт ўғли оиласи билан яшарди. Бизга ошхонани бўшатиб беришди... Шу ерда ўғлим улгайди, касб-хунар коллежини битириб, кўшни қишлоқдаги бир фермер қўлида сувчилик қилади ҳозир.

Салимаҳон яшайдиган ҳовлида улардан ташқари 18 жон, 5 оила бор.

— Худодан менга ато этган неъмат — азиз жонимни қайтариб олишини илтижо қилиб сўраган кунлар ҳам бўлди, — дейди у.

Қорачиклари ёшга тўлиб, бироз сукут қилди-да, кейин гапида давом этди:

— Бир кунни йиғлаб ётиб, ухлаб қолибман, тушимда ҳовлимизга оқ от кириб келиб, бошини сарак-сарак қилди, ортидан эргашдим, узоқда бир нурни кўрдим. От юравер ортимдан, дегандек мен томонга қараб кўярди. Уйғониб кетдим. Қарангки, шу кунни уйимизга ҳокимиятданмиз, деб бир неча киши кириб келди. Менга янги қурилган уч хонали уй ажратилишиди. Дастлабки тўловни Президент совғаси деб қабул қиласиз, дейишди.



Тўғриси, ишонини ҳам, ишонмаслиқни ҳам билмай қолдим. Бундай гамхўрлик ҳаёлимга ҳам келмаган эди.

Фарғонанинг машҳур Чимён қишлоғи тепасидаги Гулшан маҳалласида Чўлпоний Сойназарова турмуш ўртоғи Икромжон Сойназаров ва икки фарзанди олти сотихли хонадонда

— Кўзим ғира-шира кўради, бир оғим ҳам ногирон. Биз билан ҳеч кимнинг иши йўқ, деб ўз ёғимизга ўзимиз қовирлиб ётувдик. Президентимиз Шавкат Мирзиёевга чексиз раҳматлар айтман, менга ўхшаган гарибларни, кўнгли чўкканларни ҳимоясига олибди...

Мен бирон уй-жой эга

Шу муносабат билан Президентимиз ташаббусига кўра, уй-жойга эга бўлмаган эҳтиёжманд хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга қаратилган мутлақо янги тизим жорий қилинмоқда. Ушбу тизимга мувофиқ, шундай тоифадаги аёллар рўйхати шакллантирилиб, имтиёзли уйлар учун бошланғич бадал пули сифатида жами 4 миллиард 210 миллион сўм маблағ ўтказиб берилди. Ана шундай ёрдам туфайли жорий йилда 385 нафар меҳнатга лаёқатсиз фуқаро замонавий уй-жойга эга бўлади.

тўртта хўжалик билан бирга яшайди. Ўзи биринчи, эри иккинчи гуруҳ ногирони.

си бўла олармиканман, деб кўп куюнар эдим, — дейди Икромжон. — Оилам олдида ўзимни гуноҳкор сезиб,

қийналардим. Президентимиз бизга меҳр кўрсатди. Янги қурилган уч хонали уй ажратилди. Мўъжаз ҳовлиси ҳам бор экан. Паранда ва кўй боқаман, деб ният қилдим. Чўлпонийга тикув машинаси совға қилишди, у зехн билан чок тикипти... Вилоят пахта сааноат уюшмаси ва «Фарғонадон» корхонасига касаначи сифатида ишга олиниб, меҳнат дафтарчаси очилди. Кўмакка, мурувватга муҳтож эдик, минг қулук давлатимизга, лекин боқиманда эмасмиз, қўлимиздан келганича ишлаб, уйнинг қолган қийматини ўзимиз тўлаймиз.

Ташлоқ тумани Жарқишлоқ маҳалласидаги ҳовлиларнинг бирида Дилафрўз Камбарова икки нафар фарзанди билан ота-онасининг уйда яшайди. Ўзи иккинчи гуруҳ ногирони. Атиги 3 сотихли амалий аъзолари кириб-чиқади... Янги қуриб фойдаланишга топширилган уйларнинг бирига Дилафрўз фарзандлари билан кўчиб келди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғига асосан меҳнатга лаёқатлилик даражаси чекланган хотин-қизларни молиявий қўллаб-қувватлаш, бандлигини ташминлаш ва



Ў.А. Султоналиева

уй-жойга муҳтожларини бошланғич бадал суммаси тўланган ҳолда намунавий уй-жой билан таъминлаш мақсадида вилоят ҳокимлиги, вилоят Халқ қабулхонаси ишчи гуруҳлари томонидан жойларда ўрганишлар олиб борилиб, 38 нафар фуқаронинг рўйхати шакллантирилди. Қисқа вақт ичида уларнинг барчаси учун уй-жой қурилди. Дастлабки уч хонадон эгаларига уй қалитлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси, вилоят ҳокимлиги, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида эгаларига тантанали равишда топширилди.

— Ҳар бир хонадон ётоқ, меҳмонхона, ошхона мебелари билан, ҳатто уй-рўзгор буюмларига ҳам жихозлаб қўйилди. Телевизор, тикув машинаси, ҳовлида боққич учун икки бош кўй... Бир муҳтожнинг бошини силлаш шунчалар бўлар-да! Минг ташаккур, — дейди биз билан суҳбатда Гулшан МФЙ раиси Авазбек Қирғизов.

Уй-жой топшириш тадбирларида вилоят ҳокими Шухрат Ганиев қатнашди ва бу хайрли ишлар келаси йилда ҳам давом эттирилишини билдирди.

Алишер Навоий ҳазратлари айтишларинки:

Кимки бир кўнгли бузқунинг хотирин шод айлағай, Онда борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлағай.

Ушбу ҳикматнинг маъноси шундайки, ким кўнгли ўқисқ бир инсонни хурсанд қилса, йиқилган Каъбани қайтадан қуриган каби совғага ноил бўлади...

Муҳаммадҷон ОБИДОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

2017 йил — Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

МУАММОЛАРГА ЖОЙИДА ЕЧИМ ТОПИЛМОҚДА

Гулруҳ Қаландарова 2016 йилда Кармана sanoat касб-хунар коллежини битириб, «Алоқабанк»нинг Навоий вилояти филиалига ишга қабул қилинди. Бироқ ёш мутахассис ва банк раҳбарияти ўртасида тузилган 3 ойлик шартнома муддати тугагач, у ишсиз қолди.

Гулруҳнинг туман Халқ қабулхонасига қилган мурожаати қисқа муддатда ўрганилиб, ишга қайта тикланди.

Президентимизнинг 2016 йил 28 декабрдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони асосида ташкил этилган Халқ қабулхоналари фаолияти аҳоли мурожаатларининг жойида ва тез ечим топишига хизмат қилмоқда. Айниқса, келиб тушган ариза ва шикоятларни электрон шаклда тегишли давлат идораларига жўнатиш механизми йўлга қўйилгани ҳам вақтни тежамоқда,

ҳам оворагарчиликларнинг олдини олмақда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Кармана туманидаги Халқ қабулхонаси жорий йил 6 май санасидан бошлаб ягона электрон тизимга уланди. Айни пайтга қадар бу ерга 1 минг 231 мурожаат келиб тушган ва уларнинг 136 таси қаноатлантирилган. 1 минг 46 масала бўйича кенг тушунтириш ишлари олиб борилган. Қолган ариза ва шикоятлар масъул ташкилотлар томонидан ўрганиб чиқилмоқда.

Туманининг Уйрот маҳалласида яшовчи Абдулҳай Нурсатуллаев оилавий корхона ташкил этиб, тайёр трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Маҳсулот сифати импорт товарлар билан бемалол рақобатлаша олади.

Бунда ўтган йили «Еш тадбиркор — юртва мададор» танловининг мамлакат босқичи ғолиби сифатида олган имтиёзли сертификат асосида тижорат банкнинг 48 миллион сўм миқдоридagi кредит маблағи қўл келди. Турли либослар ва махсус ишчи формалар тайёрланаётган корхонада 6 киши доимий иш билан банд.

Еш тадбиркорнинг имтиёзли

кредит маблағлари фоизи Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши томонидан тўлаб берилиши белгиланган бўлса-да, бу борадаги амалий ишлар бир муддат кенчиктирилди. Туман Халқ қабулхонаси кўмағида мазкур масаланинг ҳам ечим топилиди. Тадбиркорнинг иши юришди.

— Жисмоний ва юридик шахслардан келаятган мурожаатларнинг барчаси бирдек кўриб чиқилади, — дейди Ўзбекистон Республикаси Президентининг Кармана туманидаги Халқ қабулхонаси мудири Илҳомиддин Раззоқов. — Бунда аҳолининг давлатга ишониб, ечимини излаб кўтарган муаммосини ижобий ҳал этиш ёки масала ўзасидан тўғри тушушча бериш муҳим аҳамиятга эга. Шундагина халқ билан ҳокимият ўртасида мустақкам ишонч бўлади.

Фуқароларнинг кундалик маиший ёхуд оилавий муносабатларидаги масалалар ўзасидан қилган мурожаатлари аҳоли ўртасида тарғибот-тушунтириш тадбирларини кенгайтириш, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги ишларни янада кучайтириш зарурлигини кўрсатмоқда. Айниқса, эр-хотин

муносабатлари, кўни-қўшни ўртасидаги низолар билан боғлиқ масалаларда кўп мурожаатлар бўлмоқда. Аслида ўзини ўзи бошқариш органларидаги махсус комиссиялар, маҳалла фаоллари бундай масалалардан доимий хабардор бўлса, жойида муҳокама этиб, одилона ҳал этса, оилалар мустақкамлиги, маҳалладаги тотувлик янада барқарор бўлади. Бу борада тизимли ишларни амалга ошириш мақсадида туманининг чекка ҳудудларида тортиб марказга сайёр қабуллар ташкил этиш, тарғибот тадбирларини кучайтириш режаси ишлаб чиқилган.

Қисқача айтганда, Халқ қабулхоналари аҳоли билан бевосита мулоқот қилиш, уларнинг ҳаётий муаммоларини тезкорлик билан ҳудуднинг ўзида ҳал этишга кенг имконият яратмоқда. Турли оворагарчилигу сарсонгарчиликларнинг олдини олиш, энг муҳими, одамларнинг оғирини енгили қилиш, давлатга, адолатга, эртанги кунга ишончини мустақкамлашда юксак самаралар бермоқда.

Н.РАҲИМОВ, ЎЗА муҳбири.

Оғир атлетика

Непал пойтахти Катманду шаҳрида оғир атлетика бўйича ёшлар ва ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Унда юртимиз шарафини 15 нафар спортчимиз ҳимоя қилди.

ЮРТДОШЛАРИМИЗ

Осиё чемпионатида ғолиб бўлишди



Мусобақанинг қизлар ўртасидаги баҳсларида 75 килограмм вазн тоифасида иштирок этган юртдошимиз Гулноза Аҳмадова даст кўтаришда ва силтаб кўтаришда иккита олтин мелални қўлга киритиб, иккикураш натижасига кўра, Осиё чемпиони бўлди.

63 килограмм вазнда Кумуш Файзуллаева битта олтин ва битта бронза мелални қўлга киритди. Шунингдек, Осиё чемпионатида Турсуноӣ Жабборовва уч кумуш, Шаҳно Абдуллаева уч бронза ва Шодмоной Очилова икки бронза мелали совриндори бўлди. Натижада Ўзбекистон ўсмир қизлар терма жамоаси 15 мамлакат вакиллари орасида иккинчи ўринни эгаллади.

Ўғил болалар ўртасидаги беллашуварда ҳамюртларимиз Сарвар Тоштемиров ва Александр Ли ўз вазн тоифаларида учтадан олтин медалга сазовор бўлиб, Осиёда тенгсиз эканликларини намоён этишди.

Саидмуҳтор Саидхорова учта кумуш медалга лойиқ қўрилди. Шунингдек, мусобақалда Азим Ҳожиёв учта, Мушаррафбек Раҳимов иккита ва Муҳаммадқодир Тоштемиров битта бронза медалга сазовор бўлди. Осиё чемпионати якунига кўра, Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси 21 мамлакат орасида биринчи ўринни эгаллади.

Шаҳноз САИДОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Table with columns: БУГУН, Об-ҳаво мълумоти (°C), and various weather forecasts for different regions like Qoraqalpogʻiston, Xorazm, Bukhoro, Toshkent, etc.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «O'zbekiston» телерадиоканали давлат унитар корхонаси жамоаси «Ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий дастурлар» бош муҳарририяти бўлим мудири Жўрамурод Бобораҳमतовага турмуш ўртоғи Гулҳеҳра БОЙХОНОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV. Tahrir hay'ati: Hotamjon KETMONOV, Musiliddin MUHIDDINOV, Farrux HAMROYEV, Tat'yana KISTANOVA, Saidkamol XODJAYEV, Ochilboy RAMATOV

Qabulxonasi — 233-65-45. Xatlar va murojatlar uchun — 233-12-56. E-mail: info@uzbekistonovozi.uz. MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. Satuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV. Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV, Behzod ABDUNAZAROV. ISSN 2010-7133